

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИМУРАТОВ ЭЛЁР ХАЙРУЛЛАЕВИЧ**

**ТОПИНАМБУР НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ АЙРИМ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.08 –Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон - 2022**

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of agricultural  
sciences**

**Бердимуратов Элёр Хайруллаевич**

Топинамбур навларини етиштиришнинг айрим агротехнология  
элементларини такомиллаштириш.....3

**Бердимуратов Элёр Хайруллаевич**

Совершенствование некоторых элементов агротехнологии  
выращивания сортов топинамбура.....21

**Berdimuratov Elyor Hayrullaevich**

Improvement of some agrotechnological elements of growing varieties  
of Jerusalem Artichoke.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ  
PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ,  
ЧОРВАЧИЛИК ВА БИОТЕХНОЛОГИЯЛАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**БЕРДИМУРАТОВ ЭЛЁР ХАЙРУЛЛАЕВИЧ**

**ТОПИНАМБУР НАВЛАРИНИ ЕТИШТИРИШНИНГ АЙРИМ  
АГРОТЕХНОЛОГИЯ ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**06.01.08 – Ўсимликшунослик**

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Андижон - 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Qx753 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.andqhai.uz](http://www.andqhai.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Элмуродов Абдуғани Актамович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Худойқулов Жонибек Бозорович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор <b>Луков Мамадали Кудратович</b> қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги</b>

Фалсафа доктори (PhD) диссертация ҳимояси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти ҳузуридаги PhD.05/30.10.2020.Qx.126.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170600, Андижон туман, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Тел: (99874) 373-10-54; факс: (+99874) 373-13-63; e-mail: [agai\\_info@edu.uz](mailto:agai_info@edu.uz); Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти Маъмурий биноси, 1 қават, анжуманлар зали).

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170600, Андижон тумани, Куйган-ёр шаҳарчаси, Олийгоҳ кўчаси, 1-уй. Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел: (+99874) 373-10-54.

Диссертация автореферати 2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2022 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Исашов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор.

**Ғ.Д.Рахматуллаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д.

**К.С.Комилов**

Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.н., доцент.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунё бўйича топинамбурнинг жами экин майдони 2,5 млн. гектарни ташкил этади. “Бу кўрсаткич АҚШда 700 минг гектар, Францияда 500 минг гектар ва Австрияда 130 минг гектар бўлиб, кейинги йилларда топинамбурнинг экин майдони Англия, Германия, Польша, Венгрия, Япония, Хитой ва Скандинавия мамлакатларида кенгаймоқда”<sup>1</sup>. Чунки топинамбур туганаги таркибида инулин сақлаши туфайли тиббиётда қандли диабетга чалинган беморлар учун қимматли парҳез озик-овқат маҳсулоти бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли дунёда топинамбурдан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш ва улардан озик-овқат, фармацевтика ҳамда озуқабоп йўналишларда фойдаланишга қараб ўстириш технологияларини яратиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дунёда чорвачилик маҳсулдорлигининг 60% озуқа базасини мустаҳкамлигига, озуқавий кўшилмалар таркибига, йил давомида юқори тўйимли озуқалар билан таъминланишига боғлиқдир. Кўп тармоқли фермер хўжаликларида пахта+ғалла, ғалла+ем-хашак ўтлар, қисқа навбатли алмашлаб экишларда асосий маҳсулот берувчи экинга нисбатан дон, дуккакли-дон экинлари, дуккакли ем-хашак ўтлар, бундан ташқари, оралик ва такрорий экинларни жойлаштириш юзасидан кенг қамровли илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. АҚШда топинамбур куйидагича алмашлаб экиш даласида жойлаштирилади: 1 дала – топинамбур, 2 – баҳори вика, 3 – буғдой ёки жавдар, 4 – картошка, 5 – сули. Россияда эса, 1 дала – топинамбур, 2 – картошка, 3 – лавлаги, 4 – аралаш сабзавотлар (сабзидан ташқари). Мазкур алмашлаб экиш далаларида тупроқ унумдорлигини сақлаган ҳолда ишлаб чиқаришни бозор талабига мувофиқ ташкил этиш ва шу билан бирга аҳолига тоза экологик маҳсулотлар, парҳезбоп озик-овқат, фармацевтика саноатига импорт ўрнини босувчи маҳаллий хом-ашё етказиб бериш тизимларига қаратилган илмий тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш, аҳолини озик-овқат, айниқса парҳезбоп маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш бўйича кенг кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Топинамбур экинини озик-овқат, чорвачилик ва фармацевтика саноати учун импорт ўрнини босувчи маҳаллий хом-ашё етиштиришда унинг агротехнологияларини такомиллаштириш ва жорий этиш муҳимдир. 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги фармоннинг учинчи йўналиши “3.3 бандида “Қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда қишлоқ хўжалигини изчил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш”

<sup>1</sup><http://www.fao.org/faostat/foodsecurity>

белгиланган”<sup>2</sup>. Шу ўринда соҳани янада ривожлантиришда замонавий илғор агротехнологияларни кенг татбиқ этиш, ҳар бир навни аниқ тупроқ-иқлим шароитларида мақбул муддат ва меъёрларда экиб, фойдаланиш йўналишига мос технологик тадбирларни ишлаб чиқилиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 16 январдаги ПФ-5303-сон “Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ-4901-сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги 138-сон “Қизилмия ва бошқа доривор ўсимликларни етиштириш ҳамда саноат усулида қайта ишлашни самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Республикамизда топинамбурни ўсиши, ривожланиши, навларни танлаш, маҳсулдорлиги, ҳосилдорлиги, чорвачилик учун озуқа сифатида, янги озиқ-овқат экини сифатида фойдаланиш учун яроқли навларни яратиш, навлар агротехнологиясини ишлаб чиқиш, фармацевтика саноати учун импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашё сифатида етиштириш борасида Ю.С.Коралёва, З.П.Котова, А.А.Манохина, Р.Мавлянова, Т.Э.Остонакулов, А.Элмуродов, М.Комилова, М.Амонова, К.Тодерич, И.Бекмирзаева, В.А.Богомоллов, В.Ф.Петрякова, Б.Ю.Ходиев, М.С.Касимов, M.Baldini, N.Chabbert, S.Del Dusa ва бошқа олимлар томонидан кенг қамровли тадқиқотлар олиб борилган.

Аммо, топинамбурдан озиқ-овқат ва қайта ишлашга яроқли навлар агротехнологиясини ишлаб чиқиш, бир йиллик ва кўп йиллик экин сифатида фойдаланиш, турли тупроқ-иқлим шароитларида туганак-силос ва силос-туганак йўналишида ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги маҳаллий навларда ўрганилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд ветеринария медицинаси институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №01980004512-«Зарафшон воҳасига мослашган юқори ҳосилли ва сифатли ўсимликшунослик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда илмий

---

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида»ги фармони

жиҳатдан асосланган, экологик тоза маҳсулот етиштиришни таъминловчи янги ресурстежамкор агротехнологияларни ишлаб чиқиш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

**Тадқиқотнинг мақсади** республикада топинамбурнинг янги навларидан (Мўжиза, Эътироф) озиқ-овқат, фармацевтика ва озуқабоп йўналишларда фойдаланишга қараб ўстириш агротехнологияларини такомиллаштиришдан иборатдир.

**Тадқиқотнинг вазифалари:** топинамбур навлари бир ва кўп йиллик экин сифатида экилганда ўсиши, ривожланиши ва маҳсулдорлик кўрсаткичларини аниқлаш;

бир ва кўп йиллик экин сифатида экилган топинамбур навларининг туганак ва кўк масса ҳосили динамикасини аниқлаш;

топинамбур навларини бир ва кўп йиллик экин сифатида ўстирилганда туганаклар таркибидаги инулин миқдорини аниқлаш;

топинамбур навларини етиштириш усулларида кўк масса ва туганак ҳосилининг шаклланиш қонуниятларини баҳолаш;

навларини бир ва кўп йиллик экин сифатида топинамбур етиштириш технологиясини такомиллаштиришни иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида топинамбурнинг 2 та (Мўжиза ва Эътироф) нави, ўтлоқи бўз (Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани), ўтлоқи (Жиззах вилоятининг Бахмал тумани) ва типик бўз (Навоий вилояти Навбаҳор тумани) тупроқлар ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** топинамбурни бир ва кўп йиллик экин сифатида экиш муддати ва туп қалинлиги, навларни ўсиши, ривожланиши, фотосинтетик маҳсулдорлиги, туганак ва кўк масса ҳосилдорлиги, озуқавийлиги, топинамбур кукуни чиқими, биокимёвий таркиби ва самарадорлиги.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Дала тажрибаларини ўтказиш, фенологик кузатишлар, биометрик ўлчовлар, экин парвариши, ҳосилни аниқлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Санкт-Петербург қишлоқ хўжалиги институти, Бутунроссия ўсимликшунослик институти, Бутунроссия картошка хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Қишлоқ хўжалик экинларининг янги навларини синаш бўйича Давлат нав синаш комиссиясининг тавсиялари, Б.А.Доспеховнинг “Методика полевого опыта” (1985) сингари услубий қўлланмалари асосида олиб борилиб, олинган натижалар Microsoft Excel дастурида статистик таҳлил усулларида фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

топинамбурнинг янги Мўжиза, Эътироф навларидан бир ва кўп йиллик фойдаланишда уларнинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги ва ҳосилдорлиги турли экиш муддатларида (озиқ-овқат учун баҳорда, ем-хашак учун кузда), экиш схемалари (90x35 ва 60x30 см) ва кўчат қалинлиги (31,7-55,5 минг туп/га) мақбуллаштирилган;

Мўжиза навини бир йиллик экин сифатида баҳорги муддатда туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона бўлганда, кўк масса ҳосилдорлиги 69,1 т/га,

туганак ҳосилдорлиги 40,2 т/га, туп қалинлиги 55,5 минг дона оширилганда кўк масса ҳосилдорлиги 11,9% га кўп, туганак ҳосилдорлиги эса 14,2% га камайганлиги аниқланган;

туганак-силос йўналиши текислик ҳудудининг типик бўз тупроқлар шароитида топинамбурни баҳорги экишда кўк масса ҳосилдорлиги 71,3 т/га, туганак ҳосили 39,0 т/га, тоғли ҳудуднинг ўтлоқи тупроқларида кўк масса ҳосилдорлиги 59,3 т/га ва туганак ҳосилдорлиги эса ўртача 30,0 т/га, силос-туганак йўналишида тегишлича ҳосилдорлик 83,4; 27,9; 71,2; ва 26,9 т/га бўлганлиги аниқланди;

топинамбур навларини баҳорда (озик-овқат), ва кузда (ем-хашак) 90x35 ва 60x30 см, 31,7-55,5 минг/га туп қалинлигида, Жиззах вилояти шароитида фармацевтика саноати учун хом-ашё сифатида етиштиришда иқтисодий самарадорлик юқори бўлиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

топинамбурни Мўжиза ва Эътироф навларини турли шароитларда туганак-силос ва силос-туганак йўналишида фойдаланиш учун ўстириш технологияси ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган;

Мўжиза ва Эътироф навларини озик-овқат йўналишида бир йиллик экин сифатида эрта баҳорда 31,7 минг туп қалинликда етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилган;

Мўжиза ва Эътироф навларини кеч кузда кўп йиллик экин (3-йил, 1-йили силос-туганак йўналишида, 2-йили силос учун, икки марта поя ўримини ўтказиш, учинчи йили далага силос экини кўп ўримли судан ўти экиш) сифатида чорвачиликда озуқа учун 55,5 минг туп қалинликда етиштириш агротехнологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган мумтоз, замонавий услубият ва усул ҳамда илмий ёндашувлар асосида олинган натижаларни умумбиологик ва агротехник назарий маълумотларга мос келиши, лаборатория ва дала тажрибаларидан олинган натижаларни ўзаро таққосланганлиги, ишнинг асосий натижалари илмий нашрларда чоп этилганлиги, ишни бажариш давомида ҳар йили апробациядан ўтказилганлиги, диссертация тадқиқоти амалий натижалари бўйича далолатномалар тасдиқланганлиги ва уларни амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, топинамбурнинг Мўжиза ва Эътироф навларини бир йиллик экин сифатида баҳорги муддатда 31,7 минг/га туп қалинликда жойлаштириш, ҳосилни октябрь ойининг учинчи ўн кунлигида йиғиштириш, кўп йиллик экин сифатида навларни биринчи йили 31,7 минг/га жойлаштириш, иккинчи йили 55,5 минг туп/га ва учинчи йили фойдаланишда далага эрта баҳорда кўпўримли судан ўти экиш юқори сифатли ва арзон силосбоп ҳосил етиштириш илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, ўсимликшуносликда навларни морфобиологик ва хўжалик хусусиятларидан самарали фойдаланиш, топинамбур навларини бўз тупроқлар шароитида

туганакларидан озик-овқат саноати учун, ўтлок бўз тупроқлар шароитида чорвачиликда юқори озуқа бирлик етиштириш учун, ўтлок тупроқлар шароитида фармацевтика саноати учун импорт ўрнини босувчи маҳаллий хомашё етиштириш агротехнологиялари ишлаб чиқилган ва ишланмалар амалиётга жорий этилганлиги билан ифодаланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Топинамбур навларини етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Зарафшон водийси шароитида топинамбур навларидан юқори мўл ва сифатли ҳосил етиштиришга оид тавсиялар” ишлаб чиқилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 июндаги 02/027-2331-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиялар фермер хўжаликларидан, чорвачиликка ихтисослашган кластерларда амалий қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

топинамбур навларини ўстириш технологияларини такомиллаштириш, яъни навларни тўғри танлаш, экиш муддатлари (озик-овқат учун баҳорда, ем-хашак учун кузда), қулай экиш схемалари (90x35 ва 60x30 см, 31,7-55,5 минг/га туп қалинлигида), ҳосилни йиғиштириш, озик-овқат, фармацевтика саноати ва озуқабоп мақсадларда етиштириш (кўп йиллик экин (3 йил) сифатида фойдаланилганда 1-йили туганак ва кўк масса ҳосили учун ўстириш, 2-йили кўк масса учун ёзда ва кузда ўрим ўтказиш, 3-йили кўк масса учун кўп ўримли судан ўти экиб 4-5 марта кўк масса олиш) бўйича тадқиқот натижалари Самарқанд, Жиззах, Навоий вилоятларида жами 46,9 гектарга жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 июндаги 02/027-2331-сон маълумотномаси). Бунинг натижасида топинамбур навларини туганак ҳосили 28,7-40,1 т/га, кўк массаси 56,0-72,3 т/га, соф даромад 8-12 млн сўм/га, рентабеллик даражаси 30,7-92,4% ни ташкил этган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация ишининг асосий илмий натижалари 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида ҳамда СамВМИнинг профессор-ўқитувчилари ҳисобот конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та илмий мақола, жумладан, 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган илмий-тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объект ва

предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқот усуллари, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Топинамбур навларини турли мақсадларда турли тупроқ-иқлим шароитларида ўстириш технологиясини такомиллаштириш”** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий тадқиқот натижалари юзасидан маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, изланишларнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда топинамбурнинг турли тупроқ-иқлим шароитларида навларни танлаш, экиш муддатлари, схемалари, бир ва кўп йиллик экин сифатида, туганак-силос ҳамда силос-туганак йўналишлар бўйича ишлаб чиқиш юзасидан ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижа, хулоса ва фикрлар баён этилган.

Диссертациянинг **“Изланишлар ўтказилган ҳудудлар шароитлари, тадқиқотлар объекти ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот ўтказилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари ва тадқиқот ўтказиш услублари баён қилинган.

Дала тажрибалари Жиззах вилоятининг Бахмал, Самарқанд вилоятининг Оқдарё ва Навоий вилоятининг Навбахор туманлари фермер хўжаликларида 2018-2020 йилларда ўтказилган.

Тадқиқот объекти топинамбурнинг Мўжиза ва Эътироф навлари, текислик ҳудуди типик бўз (Навоий вилояти Навбахор тумани), тоғ олди ҳудуди ўтлоқи бўз (Самарқанд вилояти Оқдарё тумани), тоғли ҳудуди ўтлоқ тупроқлар (Жиззах вилояти Бахмал тумани) ҳисобланди.

Биринчи тажриба Самарқанд вилоятининг Оқдарё тумани шароитида, 2 та нав, 2 та муддатда (бахорда ва кузда) 2 та экиш схемасида (90х35 см, 60х30 см) амалга оширилди. Қайтариқлар сони 4 та. Бўлакчанинг майдони 72-108 м<sup>2</sup>, иккинчи тажриба турли тупроқ-иқлим шароитларда (Навоий, Самарқанд ва Жиззах вилоятлари) Эътироф навни баҳорда туганак-силос (экиш 5-7 март, туп қалинлиги 31,7 минг туп/га (90х35 см), азот-250, фосфор-180, калий-150 кг/га, суғориш сони 6-8 маротаба, йиғиштириш – октябрь ойида ер устки массаси алоҳида, туганаги алоҳида озик-овқат ва қайта ишлаш учун) ва кузда силос-туганак (экиш 8-12 ноябрь, туп қалинлиги 55,5 минг туп/га (60х30 см), азот-300, фосфор-200, калий-150 кг/га, суғориш сони 8-10 маротаба, йиғиштириш – сентябрь ойида ер устки қисми туганак билан биргаликда силос-сенаж) йўналишида етиштириш амалга оширилди. Қайтариқлар сони 4 та. Бўлакчаларнинг майдони (60х30 см да 4 қатор, узунлиги 45 метр, 90х35 см да 4 қатор узунлиги 30 метр) 108 м<sup>2</sup>.

Ҳудуд тупроқлари типик, ўтлоқ-бўз ва ўтлоқ тупроқлар, механик таркиби ўртача кумоқ. Сизот сувларнинг жойлашиш чуқурлиги – ҳудудларда 2-3 метрдан 5-8 метргача.

Тупроқнинг хайдалма қатламида гумус миқдори 0,7-1,2 фоизгача ўзгаради. Озуқа моддалар миқдорига кўра, ўртача унумдорликка эга. Тупроқнинг рН муҳити -7,0-7,2 га тенг.

Вилоятлар метеостанцияларининг кўп йиллик ўртача иқлим маълумотлари таҳлилига кўра, бир-биридан кескин фарқ қилади, энг паст ҳаво ҳарорати январь ойида Самарқандда - 2 °С, Навоийда +1 °С, Жиззахда - 4 °С ни ташкил этса, энг юқори ҳарорат эса июль ойида, мувофиқ равишда +26,5 °С, 28,1 °С, 24,7 °С бўлган.

Кўп йиллик ёғингарчилик миқдори ўртача 358,0 мм, 276,5 ва 450 мм ни ташкил этади.

Тадқиқот ўтказилган 2018-2020 йилларда ёғингарчилик миқдори 360 мм дан 610 мм гача бўлганлиги кузатилган.

Диссертациянинг **“Топинамбур навларини турли мақсадларда фойдаланишга кўра етиштиришда ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги”** деб номланган учинчи бобида топинамбурнинг Мўжиза ва Эътироф навлари бир йиллик экин сифатида туганак ва яшил масса учун турли экиш схемасида (90x35 см ва 60x30 см) экилганида униб чиқиш - пишиш даврининг давомийлиги навлар бўйича 163 кундан 185 кунгача бўлган даврни ташкил қилди. Бунда Мўжиза навида туганак учун етиштирилганда бу кўрсаткич 90x35 см схемада 172-173 кунни, кўк масса учун ўстирилганида эса 180-185 кунни ташкил қилди (экиш схемаси 60x30 см).


Мўжиза нави бир йиллик экин сифатида туганак учун баҳорги муддатда (5-7 март) туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона жойлаштирилганида ўсимликни гуллаш даврида ўртача бир тупда 86,9 дона барг шаклланиб, ундаги барг вазни 157,8 г, барг сатҳи эса 18,4 минг см<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Баргдаги хлорофилл миқдори 2,16 мг/г ва соф фотосинтез маҳсулдорлиги суткада 7,2 г/м<sup>2</sup> бўлганлиги қайд этилди. Ушбу кўрсаткичлар кузги муддатда туганак экилганида (10-12 ноябрь) тегишлича 92,3 дона, 163,7 г, 18,7 минг см<sup>2</sup>, 2,25 мг/г ва 6,4 г/м<sup>2</sup> кўрсаткичларда бўлганлиги қайд этилди. Кузги муддатда (10-12 ноябрь) экиш баҳорги муддатда экилганига (5-7 март) қараганда агроценозда 5,4 дона барг ва унинг вазни 5,9 г га, барг сатҳи эса 0,3 минг см<sup>2</sup> га ортиқ бўлганлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Топинамбурни кўк масса учун баҳорги муддатда (5-7 март) ва гектарига туп қалинлиги 55,5 минг дона (60x30 см) экилиши агроценозда ўсимликни гуллаш даврида ўртача бир тупда барг сони 77,1 дона ва унинг вазни 147,3 г, барг сатҳи 17,1 минг/см<sup>2</sup>, хлорофилл миқдори 1,99 мг/г ва соф фотосинтез маҳсулдорлиги суткада 7,3 г/м<sup>2</sup> бўлишини таъминлади. Тажрибада туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона бўлганга нисбатан барг сони 9,8 донагача, барг вазни 10,5 г га, барг сатҳи 1,3 минг см<sup>2</sup> га, хлорофилл миқдори эса 0,73 мг/г кам бўлиши аниқланди.

Мўжиза ва Эътироф навларида кузги муддатда (10-12 ноябрь) экиш схемаси 60x30 см бўлганда тегишлича барг сони 86,1 ва 69,0 дона (17,1 донага кам), барг вазни 155,9 г ва 133,0 г (22,9 га кам), барг сатҳи 17,3 ва 15,2 минг/см<sup>2</sup> (2,1 минг/см<sup>2</sup> га кам), хлорофилл миқдори 2,10 ва 1,95 мг/г (0,14

мг/г кам), соф фотосинтез маҳсулдорлиги 6,8 ва 5,8 суткада г/м<sup>2</sup> (суткада 1,0 г/м<sup>2</sup> га кам) бўлганлиги қайд этилди.

Кузги экиш муддатида (10-12 ноябрь) туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона бўлганда Мўжиза навини кўп йиллик экин сифатида етиштирилганда ўсимлик гуллаш даврида барг сони 88,1 донани, барг вазни 152,1 г ни, ўртача бир тупни барг сатҳи 17,0 минг/см<sup>2</sup>, хлорофилл 2,14 мг/г ва соф фотосинтез маҳсулдорлиги суткасига 7,0 г/м<sup>2</sup> ни ташкил қилди. Бу кўрсаткичлар худди шу технологияда Эътироф навида тегишлича 72,1 дона, барг вазни 130,1 г, барг сатҳи 14,9 минг/см<sup>2</sup>, хлорофилл 2,03 мг/г ва соф фотосинтез маҳсулдорлиги суткада 6,7 г/м<sup>2</sup> да қайд этилди (1-расм). Бу кўрсаткичлар Мўжиза навидан тегишлича, 18,2%, 14,5%, 12,3%, 5,1% ва 4,3% га кам эканлиги аниқланди.



Топинамбурни Мўжиза навини бир йиллик экин сифатида баҳорги муддатда (5-7 март) туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона бўлганда уч йиллик ўртача кўк масса ҳосилдорлиги гектаридан 69,1 т, туганак ҳосилдорлиги 40,2 т, озуқа бирлиги 27,6 т/га кўрсаткичда бўлди, бу кўрсаткичлар туп қалинлиги 55,5 минг дона бўлганда кўк масса ҳосилдорлиги 11,9% га кўп, туганак ҳосилдорлиги эса 14,2% га кам, озуқа бирлиги эса 4,3% га ортиқ бўлганлиги аниқланди (1-жадвал). Топинамбур кузги муддатда экилганида туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона (90x35 см) бўлганда гектаридан кўк масса ҳосилдорлиги 68,3 т, туганак ҳосилдорлиги 36,8 т, озуқа бирлиги 27,4, протеин миқдори 30,8 т га тенг бўлди, бу кўрсаткичлар туп қалинлиги гектарига 55,5 минг дона (60x30 см) бўлганда юқорида келтирилган маълумотларга қиёслаганда кўк масса ҳосилдорлиги 2,3% га, туганак ҳосилдорлиги 3,3% га, озуқа бирлиги 0,8 т/га га, ва протеин миқдори 0,7% га кам бўлганлиги қайд этилди. Эътироф нави

бир йиллик экин сифатида баҳорги муддатда туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона (90x35 см) ўтказилганда худди шу муддатда туп қалинлиги гектарига 55,5 минг дона (60x30 см) бўлганга нисбатан кўк масса ҳосилдорлиги 1,3% га, туганак ҳосилдорлиги 8,2% га, озуқа бирлиги 4,0% га, ҳазм бўладиган протеин миқдори 6,7% га ортиқ бўлганлиги қайд этилди.

### 1-жадвал

#### Бир йиллик экин сифатида ўстирилган топинамбур кўк массаси, туганак ҳосилдорлиги ва озуқа бирлиги чиқими

№	Бир гектардан тонна ҳисобида											
	2018 й.			2019 й.			2020 й.			Ўртача		
	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги
<b>Мўжиза нави</b>												
1	68,9	40,5	28,6	70,4	41,4	29,2	68,0	38,7	27,9	69,1	40,2	27,6
2	76,6	34,2	28,6	77,0	35,3	29,1	78,3	34,0	28,9	77,3	34,5	28,8
3	68,1	35,9	27,1	69,2	36,7	27,8	67,3	37,8	27,4	68,3	36,8	27,4
4	65,3	34,8	26,0	66,4	35,9	26,6	68,4	36,1	27,2	66,7	35,6	27,2
<b>Эътироф нави</b>												
5	66,2	40,2	30,9	65,3	38,9	27,2	63,8	38,5	26,8	65,1	39,2	27,3
6	64,6	35,8	26,2	65,0	36,3	26,5	63,3	35,9	25,9	64,3	36,0	26,2
7	67,4	41,5	28,6	65,9	39,8	27,7	65,0	39,3	27,4	66,1	40,2	27,9
8	66,0	37,5	27,1	66,2	38,0	27,2	64,6	36,4	26,4	65,6	37,3	26,9

Шундай қонуният кузги муддатда турли туп қалинлигида экилганда кузатилди. Бу муддатда туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона бўлганда ўртача уч йиллик яшил масса ҳосилдорлиги 66,1 т, туганак ҳосилдорлиги 40,2 т, озуқа бирлиги 27,9 т/га тенг бўлди. Бу кўрсаткичлар туп қалинлиги гектарига 55,5 минг дона (60x30 см) бўлганда гектарига 31,7 минг дона ўсимлик бўлган майдонга қиёслаганда кўк масса 0,5 т, туганак 2,9 т ҳосили кам бўлганлиги аниқланди. Озуқа бирлиги ва ҳазм бўладиган протеин миқдори тегишли равишда гектаридан 1,0 ва 1,2 % кўрсаткичда кам шаклланганлиги қайд этилди.

Навлардаги тавсифли кўрсаткичлардан Мўжиза навида озуқа бирлигининг 2018-2020 йиллар бўйича ўртача озуқа бирлигининг 27,2-28,8% ва ҳазм бўладиган протеин миқдорини 3,01-3,27% гача, Эътироф навида эса озуқа бирлиги 26,2-27,9% ва ҳазм бўладиган протеин миқдори эса 2,83-3,13% гача бўлиши кузатилди. Мўжиза ва Эътироф навлари кўп йиллик экин сифатида экилганида кўк массани чиқиши мувофиқ ҳолда гектаридан 77,5-97,4 т ва 72,5-103,5 т бўлишлиги аниқланди.

Мўжиза нави кўп йиллик экин сифатида кузги муддатда гектаридан туп қалинлиги 31,7 минг дона бўлганда ўртача уч йилда кўк масса ҳосилдорлиги гектаридан 77,5 т, туганак ҳосилдорлиги 33,5 т, озуқа бирлигининг чиқиши 28,7 т ва ҳазм бўладиган протеин миқдори 2,55% бўлиши қайд қилинди, бу кўрсаткичлар Эътироф навида тегишли равишда 72,5 т, 36,7 т, 28,3 т ва 2,43% ни ташкил қилди (2-жадвал).

**Кўп йиллик экин сифатида ўстирилган топинамбур кўк массаси,  
туганак ҳосилдорлиги ва озуқа бирлиги чиқими**

№	Бир гектардан тонна ҳисобида											
	2018 й.			2019 й.			2020 й.			Ўртача		
	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги	кўк масса ҳосилдорлиги	туганак ҳосилдорлиги	озуқа бирлиги
<b>Мўжиза нави</b>												
9	78,0	33,4	28,7	77,2	32,9	28,3	77,3	34,2	28,7	77,5	33,5	28,7
10	98,3	7,7	26,1	95,5	7,8	25,2	98,4	7,8	25,9	97,4	7,8	25,7
11	185,9	0	37,1	197	0	39,4	201,8	0	40,6	194,9	0	38,9
<b>Эътироф нави</b>												
12	73,1	37,3	28,7	72,4	35,8	28,1	72,0	37,0	28,3	72,5	36,7	28,3
13	102,5	10,2	27,7	107,2	10,6	28,9	106,2	10,7	28,6	105,3	10,5	28,4
14	185,2	0	37,0	192,3	0	38,4	199,7	0	39,9	192,4	0	38,5
ЭАФ <sub>05</sub> т/га=	7,8	3,1		9,6	3,4		6,8	2,8		8,2	3,1	
P=	2,9	3,7		3,1	3,0		2,9	3,4		3,0	3,2	

Тажрибадаги иккала навда ҳам кўк масса ҳосилдорлигининг юқори кўрсаткичи кузги муддатда гектаридан туп қалинлиги 55,5 минг дона бўлганда кузатилди, яъни Мўжиза навида гектаридан уч йиллик ўртача 98,3 т ва Эътироф навида 102,5 т бўлганлиги қайд этилди. Бунда туганак ҳосили яшил масса учун кўп йиллик экин бўлганлиги сабабли кам миқдорда бўлди.

Топинамбур Эътироф навини кўп йиллик экин сифатида экилганида кузги муддатда туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона бўлганида Мўжиза навида қиёсланишида озуқа бирлиги (0,4 т) ва ҳазмланадиган протеин миқдори (0,12) кам бўлганлиги аниқланди.

Топинамбурни Мўжиза навини бир йиллик экин сифатида кузги муддатда ва туп қалинлиги гектарига 55,5 минг дона бўлганда кўк масса ва туганакни биргаликда йиғиштириш технологиясида кўк масса ҳосилдорлиги гектаридан 66,7 т, туганак ҳосилдорлиги эса гектаридан 35,6 т ни ташкил қилди.

Топинамбурни Эътироф навини бир йиллик экин сифатида баҳорги муддатда (5-7 март) туп қалинлиги гектарига 55,5 минг дона бўлиши кўк масса ҳосилдорлиги гектаридан 64,3 т, туганак ҳосилдорлиги 36,0 т, озуқа бирлиги 26,2 т, кузги муддатда (10-12 ноябрь) экилганда ҳам яшил масса ҳосилдорлиги гектаридан 65,6 т, туганак ҳосилдорлиги 37,3 т, озуқа бирлиги 26,9 т бўлганлиги қайд этилди.

Топинамбур бир йиллик экин сифатида Мўжиза ва Эътироф навларини туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона (90x35 см) бўлганда баҳорги (5-7 март) ва кузги (10-12 ноябрь) муддатларида туганак ҳосилдорлиги, кукун чиқиши ва инулин миқдори ўзгариши аниқланди.

Ўсимлик экиш схемаси 90x35 см бўлганда Мўжиза навини баҳорги муддатда (5-7 март) экиш туганак ҳосилдорлигини гектаридан 40,2 т, бунда

кукун чиқиши 5025 кг ва инулин миқдори гектаридан 577 кг бўлишини таъминлади.

Топинамбурни Эътироф навини бир йиллик экин сифатида туп қалинлиги гектаридан 31,7 минг дона/га бўлиб, кузги ва баҳорги муддатларда туганак ҳосилдорлиги гектаридан ўртача 39,2-40,2 т, кукун чиқиши 4900-5025 кг/га ва инулин миқдори 612-628 кг/га ни ташкил қилди (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Топинамбурнинг туганак ҳосилдорлиги, кукун ва инулин миқдори (2018-2020 йй.)

№	Вариантлар	Экин муддати	2018 й.			2019 й.			2020 й.			Ўртача		
			туганак, т/га	кукун чиқиши, кг/га	инулин, кг/га	туганак, т/га	кукун чиқиши, кг/га	инулин, кг/га	туганак, т/га	кукун чиқиши, кг/га	инулин, кг/га	туганак, т/га	кукун чиқиши, кг/га	инулин, кг/га
<b>Бир йиллик экин сифатида</b>														
<b>Мўжиза нави</b>														
1	Туп қалинлиги 31,7 минг/га (90x35 см)	5-7 март	40,5	5060	582	41,4	5175	595	38,7	4837	556	40,2	5025	577
3		10-12 ноябрь	35,9	4487	516	36,7	4578	527	37,8	4725	543	36,8	4600	529
<b>Эътироф нави</b>														
5	Туп қалинлиги 31,7 минг/га (90x35 см)	5-7 март	40,2	5025	628	38,9	4862	622	38,5	4812	616	39,2	4900	612
7		10-12 ноябрь	41,5	5187	648	39,8	4975	621	39,3	4912	614	40,2	5025	628
<b>Кўп йиллик экин сифатида</b>														
<b>Мўжиза нави</b>														
9	Биринчи йил 31,7 минг/га (90x35 см)	10-12 ноябрь	33,4	4175	480	32,9	4112	472	34,2	4275	491	33,5	4187	481
<b>Эътироф нави</b>														
1 2	Биринчи йил 31,7 минг/га (90x35 см)	10-12 ноябрь	37,3	4662	582	35,8	4475	559	37,0	4625	578	36,7	4587	587

Топинамбурни кўп йиллик экин сифатида экин схемаси 90x35 см (туп қалинлиги гектарига 31,7 минг дона) ва кузги муддатда экин Мўжиза ва Эътироф навларида синаб кўрилди. Бунда Мўжиза навида туганак ҳосилдорлиги гектарига 33,5 т, кукун чиқиши 4187 кг ва инулин миқдори 481 кг ни ташкил қилган бўлса, Эътироф навида эса бу кўрсаткичлар мос равишда 36,7 т, 4587 кг ва 587 кг да бўлиши қайд этилди.

Маҳсулот бирлигида кукун чиқиши ва таркибидаги инулин миқдори тўғри чизикли характерда бўлиб,  $y=a+bx$  регрессия тенгламасига бўйсунуши ва корреляция коэффиценти  $r>0,7$  эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Топинамбурнинг Эътироф навини турли иқлим-тупроқ шароитида ўстириш хусусиятлари” деб номланган тўртинчи бобида Эътироф навини агротехнологиясини туганак-силос ва силос-туганак йўналишида республикамизнинг текислик, тоғ олди ва тоғли худудларида типик бўз тупроқ ва ўтлоқ тупроқлар шароитида ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлиги ўрганилди.

Текислик ҳудудида типик бўз тупроқлар шароитида топинамбурни туганак-силос учун етиштиришда баҳорги экиш муддати ва туп қалинлиги гектарига 31,7 минг/га вариантда гуллаш даврида ўсимлик бўйи ўртача 235,6 см, поя ва барг сони тегишлича 2,8 ва 95,6 дона, ён шох сони ва барг сатҳи мос равишда ўртача 36,7 дона ва 192,5 см<sup>2</sup> ни ташкил қилди.

Тоғ олди ҳудуди ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида типик бўз тупроқлар шароитига нисбатан ўсимлик бўйи ўртача 15,0 см га, поя сони ўртача 0,3 донага, барг сони 29,1 донага, ён шох сони 5,5 донага, барг сатҳи 37,9 см<sup>2</sup> га кам бўлганлиги қайд этилди.

Бу кўрсаткичлар тоғли ҳудуд ўтлоқи тупроқларда топинамбур туганак-силос йўналишида текислик ҳудуди типик бўз тупроқлар шароитига қиёс қилганда ўсимлик бўйи ўртача 36,9 см га, ўртача бир тупда поя, барг, ён шохлар сони тегишлича ўртача 0,5, 33,8 ва 12,5 донага, барг сатҳи эса 56,8 см<sup>2</sup> га кам шаклланганлиги аниқланди.

Эътироф навини силос-туганак йўналишида кузги экиш муддатида гектарига 60x30 см схемада вариантини текислик ҳудуди типик бўз тупроқларда қўллаганда гуллаш даврида ўсимлик бўйи 242,5 см, ўртача бир тупда поя 2,6 дона, барг 88,7 дона, ён шохлар 32,4 дона ва барг сатҳи 186,1 см<sup>2</sup> бўлиши қайд этилди. Бу агротехнологияни тоғ олди ҳудуди ўтлоқи бўз тупроқларда қўллашда текислик ҳудуди типик бўз тупроқларга нисбатан қиёс қилганда ўсимлик бўйи 4% га, поя, барг, ён шох сонлари мос равишда ўртача 7,7%, 18,4, 18,2 га кам кўрсаткичда бўлганлиги, тоғли ҳудуд ўтлоқ тупроқларда эса юқоридаги технологияни қўллаш вариантыда эса текислик ҳудудга (типик бўз тупроқлар) нисбий олганда ўсимлик бўйи, поя, барг, ён шох сонлари, барг сатҳи мос равишда ўртача бир тупда 13,6% га, 11,5% га, 27,5% га, 28,7% га ва 28,1% га кам бўлиши аниқланди.

Тадқиқот натижаларига кўра, туганак-силос йўналишида баҳорги муддатда туп қалинлиги гектарига 31,7 минг (90x35 см) вариантда бир тупда ўртача 20 августда туганак сони 7,8 дона, унинг биттасини вазни 35,6 г, ер устки қисми ҳосили 1854,6 г, туганак ҳосили эса 277,7 г ни, 20 сентябрда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 52,6% га, 59,6% га, 42,1% га ва 143,4% га ошди, 20 октябрга келиб бу рақамлар мос равишда 14,3 дона, 94,7 дона, 2413,2 г ва 1345,7 г ни ташкил қилди.

Худди шундай қонуниятдаги маълумотлар тоғли ҳудуднинг ўтлоқи тупроқ шароитида олинди ва унинг кўрсаткичлари типик бўз тупроқларга қиёслаганда 20 августда туганак сони 62,5% га, битта туганак вазни 95,6% га, ер устки қисми ҳосили 96,1% га ва туганак ҳосили 217,7% га кам шаклланганлиги аниқланди. Туганак-силос йўналишида текислик ҳудудида баҳорги муддатда экилган агротехнологияда 20 сентябрда ер устки қисми ҳосили 2635,7 г бўлган бўлса, 20 октябрда бу кўрсаткич 2413,2 г ни ташкил қилди.

Топинамбурни туганак-силос йўналишида етиштирганда текислик ҳудуди типик бўз тупроқларда баҳорги муддатда биринчи йили кўк масса ҳосилдорлиги гектарига 76,5 т ва туганак ҳосилдорлиги гектарига 42,6 т ни ташкил қилган бўлса, иккинчи йили мос равишда гектарига 68,3 т ва 35,2 т,

учинчи йили эса тегишлича 64,0 т ва 35,2 т бўлганлиги қайд этилди. Бунда кўк масса ҳосилдорлиги биринчи йилга қиёслаганда иккинчи йили 12% га, учинчи йили эса 19,5% га камайганлиги аниқланди.

Айнан шу агротехнологияда тоғ олди худудида (ўтлоқи бўз тупроқ) биринчи йили кўк масса ҳосилдорлиги гектарига 70,1 т, туганак ҳосили 38,5 т, иккинчи йили кўк масса ҳосилдорлиги биринчи йилга нисбатан 7,5% га, туганак ҳосили эса 12,2% га, учинчи йили иккинчи йилга қиёслаганда кўк масса ҳосилдорлиги 5,7% га, туганак ҳосилдорлиги 9,9% га камайганлиги тажриба натижаларида қайд этилди.

